

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
Давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

5150800 – Рангтаъбир (фильмнинг тасвирий ечими) таълим
йўналишининг давлат таълим стандарти

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования
Государственный образовательный стандарт направления образования
5150800 – Живопись (изобразительное решение фильма)

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
Давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти

5150800 – Рангтаълим (фильмнинг тасвирий ечими) таълим йўналишининг
давлат таълим стандарти

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Миллий рассомлик ва дизайн институти

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
201⁴ йил «10» май даги 84 - сонли буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги. 05-616 26.01.2015

4. ИЛК БОР КИРИТИЛИШИ.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГА
СТАНДАРТЛАШТИРИШ, ДАВЛАТ
НАЗОРАТ И БУВОҚИЯТИНИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ БОСҚИМИ

Мундарижа

1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари.....	1
2. Қўлланиш соҳаси.....	2
3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар.....	3
4. Таълим йўналишининг тавсифи.....	3
5. 5150800 – Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи.....	4
6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар.....	4
7. Таълим дастуриинг мазмуни ва компонентлари.....	11
8. Бакалаврият таълим дастурини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар.....	18
8.1. Бакалаврият таълим дастурини ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар.....	18
8.2. Таълим дастурини татбиқ этилиши.....	19
8.3. Малака амалиётини ташкил этиш талаблари.....	19
8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар.....	20
8.5. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар.....	20
8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар.....	21
9. Бакалаврни тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш.....	22
10. Эслатма.....	22
11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати.....	23
12. Илова.....	23
13. Библиографик маълумотлар.....	25
14. Ишлаб чиқарувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари.....	26

ЎЗБЕКИСТОН АСОСЛИГА
STANDARTLASHTIRISH KOMITATI
HAZORAT N. BUYUQIDALASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
Давлат таълим стандартлари
Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти
5150800 – Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими) таълим йўналишининг
давлат таълим стандарти

Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана
Государственный образовательный стандарт высшего образования
Государственный образовательный стандарт направления образования
5150800 – Живопись (изобразительное решение фильма)

State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan
State Educational Standards of Higher Education
State Educational Standard on the level of bachelors of
5150800 - Painting (the graphic decision of a film)

Амал қилиш муддати «30» 01 2015 йилдан
 « » 201 йилгача

1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги ҳужжатларга асосланildi:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни, Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги «Янгиланган «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисида»ги 302-сонли буйруғи.



8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 190-сонли буйруғи.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 281-сонли буйруғи.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 446-сонли буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 158-сонли буйруғи.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-tadbирлари тўғрисида»ги 365-сонли Қарори.

2. Қўлланиш соҳаси

2.1. Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) **5150800** – *Раунгасвир (фильминг тасвирий ечими)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг асосий таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини шифодалайди.

2.2. Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда асосий таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

2.3. ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъуллар – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудири);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
STANDARTLASHTIRISH, MUHOFAZAT VA
NAZORAT NI MUHOFAZATI KEMTARIGI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH KENZAKI

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

касбий фаолият тури – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

компетенция – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

модуль – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

таълим йўналиши – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган “бакалавр” академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, ўқувлар ва кўникмалар мажмуаси;

касбий фаолият объекти – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

бакалаврият - олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билимлар берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

бакалавриятнинг таълим дастурлари (бакалаврият дастури) – ўқув фанларининг бакалаврият йўналишларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блоklarга жамланган рўйхати;

ўқув-ўрганиш натижалари – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи;

ДТС – Давлат таълим стандарти;

АРМ - ахборот ресурс маркази;

ИТИ - илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ - олий таълим муассасаси.

4. Таълим йўналишининг тавсифи

4.1. 5150800 – Рангасвир (фильмнинг тасвирий ечими) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастурини амалга оширган, унинг назарий ва амалий машгулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

4.2. Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси

Таълим дастурининг номи	Малака (даража)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг таълим дастури	Бакалавр	4 йил

5. 5150800 – Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси:

5150800 – Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими) - таълим йўналиши тасвирий санъат соҳасидаги йўналиш бўлиб, бадий эстетик жиҳатлар асосида кино тасвирларни яратиш, кичик ва катта декорацион шакллар, реквизит, атрибут, персонаж, либос, усул ва услубларининг бадий маҳорат кўникмаларини шакллантириш, кичик ва катта сахна макон шакллари ва кино ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнга йўналтирилган лойиҳалашни ўз ичига олади.

Бакалаврларнинг касбий фаолияти куйидагиларни қамраб олади:

- раскадровка ва экспликациялар ишлаш;
- хомаки эскизларда бадий ечимни очиб бериш;
- суратга олиш жараёнини тайёрлаш;
- кино эскизлар асосида чизмалар ишлаб чиқиш;
- кинофильмни тасвирий ечимини бадий муҳокама қилиш;
- турли йўналишларда бадий фильмларни ишлаш;
- илмий-оммабоп хужжатли фильмлар лойиҳасини яратиш;
- безаш устахонасида амалий иш бажариш.

5.2. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг объектлари:

5150800 – Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими) таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари – фильм учун раскадрировкалар ва экспликациялар, хомаки эскизлар, кино эскиз чизмалари, бадий, мусиқали, хужжатли, илмий-оммабоп фильмлар.

5.3. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг турлари

- Илмий- бадий ижод;
- лойиҳавий-конструктив;
- ишлаб чиқариш;
- бадий ижод;
- ташиқлий-бошқарув соҳасидаги фаолият ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

5.4. Касбий мослашув имкониятлари

Бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5150800 – Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин куйидаги:

- 5A150802 – Кино ва телефильмнинг тасвирий ечими;
- 5A150803 – Мультфильм ва компьютер мультимедияси магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, бакалавр ўрнатилган тартибда олий таълим муассасаларида ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ҳамда тармоқ ИТИ ларида мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот олиб бориши мумкин.

6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

6.1. 5150800 – Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

а) умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

б) касбий талаблар:**Илмий-бадий ижод фаолиятида:**

- драма, комедия, маиший, тарихий, батал жанрларида;

- кинофильмнинг тасвирий санъати бўйича кино сценарий ғоясига мос фильм воқеликларини (тасвирий экспликация, декорация, раскадрировка) акс эттирувчи эскизлар яратишда иштирок этиш;

- оммавий кўнгилочар тадбирлар бўйича Мустақиллик байрами, Наврўз байрами, боғ, хиёбон ва майдонлардаги концерт тадбирлари учун ҳаётий асарлар яратишда уларга муносиб тарзда эскизлар яратиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Лойиҳавий-конструктив фаолиятда:

- бадий фильм ва телефильм композицияларини лойиҳалаш ва композиция турларини ишлаб чиқиш;

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;

- лойиҳавий ва дастур ҳужжатларини ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- бадий фильмнинг тасвирий композиция ва телефильм асарларида ишлатиладиган материалларини ишлаб чиқаришдаги жараёнларнинг лойиҳавий қабул қилинган ечимларга муофиқ бажарилишини таъминлаш, технологик интизомга қатъий риоя қилинишини назорат қилиш;

- бадий фильм ва телефильм асарларини ишлаб чиқаришга янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларнинг тадбиқ қилинишини ташкил қилиш;

- бадий фильм ва телефильм асарлари сифатини назорат қилишнинг усулларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган босқичлар ва ресурсларни режалаштириш;

- ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талаблари бўйича ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

6.2. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйилган талаблар

6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки бўйича талаблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар*» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

6.2.2. Математик ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар

6.2.2.1. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича

Бакалавр:

- тизимли блокдаги иш тамойиллари ;
- операцион тизим асослари ;
- интернет браузерлари ва асосий офис дастурлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- матнли маълумотни теришни, жадвалларни жойлаштиришни, тақдимотлар яратишни;
- информатика ва ахборот технологияларида анимация;
- электрон почтадан фойдаланишни;
- интернетдан керакли маълумотни излашни;
- маълумотларни сақлашни, импорт ва экспорт қилишни;
- маълумот алмашишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- турли компьютер дастурларида ва редакторларида билан ишлаш;
- компьютернинг таркибий қисмлари;
- илмий-тадқиқот ва ўқув-изланиш ишларида компьютер дастурларидан фойдаланиш;

- курс лойиҳа (иш)ларининг тақдимотини ўтказиш **кўникмаларга эга бўлиши керак.**

6.2.2.2. Компьютер графикаси фани бўйича

Бакалавр:

- график таҳрирлаш дастурлари;
- электрон график планшет;
- видеомонтаж техникаси;
- асосий анимацион дастурлар **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- растр, вектор ва 3D дастурларида муаллифлик лойиҳасини яратишни;
- компьютер графикаси ёрдамида кичик ландшафт шаклларни моделлаштиришни;
- электрон форматда яратилган тасвирни анимация қилишни, ўзгартиришни, монтаж қилишни ва комбинация қилишни;
- бажарилган вазифа асосида анимацион тақдимотни яратишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- турли хил дастурларда таҳрирланган тасвирларни комбинациялаш;
- мураккаб бўлмаган анимацион фильмлар ва тақдимотларни яратиш **кўникмаларга эга бўлиши керак.**

6.2.2.3. Перспектива фани бўйича**Бакалавр:**

- уч ўлчамлиликни тасвирлаш тизими;
- фазо тасвирини бериш ва унинг жойлашуви ифодалилиги;
- рангтасвирда санъаткор услуги ва фазо ечими ифодалилиги *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

бўлиши;

- чизиқли перспективани;
- ҳаво перспективасини;
- тескари перспективани *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- картина юзасида тасвир фазоси, фазода чуқурлик ва иллюзия, перспективанинг рангтасвир фазовий ечимни ифодалаш;
- перспективани композициянинг асосий элементига айлантириш;
- касбий маҳорати билан бадиий асар руҳига таъсир кўрсатиш *кўникмаларга эга бўлиши керак.*

бўлиши керак.**6.2.2.4. Пластик анатомия фани бўйича****Бакалавр:**

- инсон танаси тузилиши;
- инсон танаси аъзоларининг ташқи пластик жиҳатлари, морфологик тизими, шакли ва вазифалари;
- пластик шакл ва инсон жуссаси ички структурасининг ташқи пластик характери *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- тана тузилиши антропологияси ва морфологияси, синдесмологияси ва миологиясини;

- тик турган жуссанинг бош ва гавда, кўкрак қафаси ва чанок, тана динамикасини;
- тананинг юқори қатлами пластик тизими ва тана тизими типларини;
- кўл ва оёқнинг танага боғлиқлигининг пластик жиҳатларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

фойдалана олиши;

- суяклар вазифасининг ўзаро боғлиқлигини, мускуллар, инсон ташқи шакли-шамойилидаги жусса пластикасини, инсон танасининг тузилиши турларини, инсон тинч турганда ва юрганидаги тана динамикасини тўғри тасвирлаш;

- инсон юзининг руҳий ҳолатлардаги нозик ифодаларини бериш;
- инсон гавдаси ўлчамлар тизимида тасвирий санъатда қабул қилинган пропорциялар муносабатини аниқлаш *кўникмаларга эга бўлиши керак.*

муносабатини аниқлаш кўникмаларга эга бўлиши керак.**6.2.2.5. Экология фани бўйича****Бакалавр:**

- табиат қонунлари ва уларга риоя қилиш бўйича экологик билимлар;
- экологик муҳит, экологик мувозанатнинг бузилиш сабаблари ва оқибатлари;
- организмлар ва муҳитнинг ўзаро таъсири, экотизимлар;
- табиат ресурслари, уларнинг тоифалари ва улардан фойдаланиш истиқболлари;
- Орол денгизи инкирози, Ўзбекистоннинг сув ва тупроқ ресурслари, қазилма бойликлари ва уларнинг ҳудудий тақсимланиши *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- атроф-муҳитни табиий ва антропоген омилларнинг салбий ва зарарли таъсиридан ҳимоялаш воситалари ва усулларини;

- табиатни муҳофаза қилишнинг назарий асосларини;

- инсоннинг хўжалик фаолиятини, жумладан сув хўжалиги иншоотларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини ва бу таъсирларнинг олдини олиш ёки уни бартараф қилиш чора-тадбирларини;

- атмосфера ҳавоси, сув ҳавзалари, тупроқни ифлосланишдан муҳофаза қилиш чора-тадбирларини, сувни тозалашнинг асосий методларини;

- табиатдан самарали фойдаланишнинг экологик тамойилларини;

- табиатга зарар етказмайдиган технологиялар яратиш усулларини;

- бадий чизматасвирни психологик таъсирчан қилиш;
- ижодий фикрлаш, бадийлик воситалари концепциясини яратиш **қўникмаларга эга бўлиши керак.**

6.2.3.3. Рангтасвир фани бўйича

Бакалавр:

- касбий-бадий вазифаларнинг бадий-техника билан ўзаро алоқадорлиги;
- техник ва технологик жараёнларнинг рассомчилик асарлари;
- ранглар уйғунлигининг психологик таъсирчанлик билан алоқаси;
- асарлар устида ишлашда артистизмга ёрдам берувчи касбий малака комплекслари

ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- бадий асар учун энг маъбул шарт-шароитлар;
- ранглар уйғунлиги ва рангтасвир яхлитлигига, умумий колорит тизимига эришишни;

- бадий-касбий изланишларни рангтасвир технологияси билан уйғунлаштириш;
- шаклнинг табиийлиги, шартлилигига ва пластиклигига эришиш касб маҳоратини;
- бўёқлардан муҳим ранглар чиқаришни;
- рангтасвирнинг эстетик жиҳатларини ва бадий дидни ривожлантириш;
- модель бадий юз қиёфаси ва унинг шаклини рангларда ифодалаш,

модель қиёфасининг характеристикасини бадий ифодалаш;

- **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- рангтасвир маданиятини, рангтасвир ифодалилигини, ҳаётийликка эришиш маҳоратини намён қилиш;

- кўп табақали ранг ишлаш ва уларнинг мустақкам бирикмасини ҳосил қилиш;
- портрет образларини яратиш **қўникмаларга эга бўлиши керак.**

6.2.3.4. Рангшунослик ва композиция асослари фани бўйича

Бакалавр:

- ранг спектри, ранг доираси, ранг жуфтлиги, триада, контраст ва уйғунлик қонуниятлари;

- ранг колоритининг хусусиятлари;
- ҳажмий ва рангли композицияда ритмик ўлчамларни яратиш услублари;
- формал композициянинг ритмик асослари;
- композицион марказ, акцент, диссонанс, уйғунлик **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- замонавий дизайн талабларини ҳисобга олган ҳолда рангли композиция яратишни;
- рангли ва ҳажмий ритмни фазовий изоҳ этишни;
- рангнинг оч-тўқлиги, салмоги, ритми, ёруглиги, контрасти тушунчаларини;
- рангли ва ҳажмий ритм, ўлчам;
- рангли композиция яратиш усулларини;
- гуруҳларнинг узвий боғлиқлигини яратишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- модель қиёфасининг характеристикаси;
- ранг харитасини яратиш;
- кўп табақали ранг ишлаш ва уларнинг мустақкам бирикмасини ҳосил қилиш;
- бадий-касбий изланишларни рангтасвир технологияси билан уйғунлаштириш;
- рангтасвирда иссиқ ва совуқ колоритлар гаммасини яратиш;

қўникмаларга эга бўлиши керак.

6.2.3.5. Кино режиссура асослари фани бўйича

Бакалавр:

- Кино режиссуранинг шаклланиш тарихи ва асосий йўналишлари;
- жаҳон ва ўзбек кино режиссёрлик мактаблари;
- кино режиссураси ва рассомлиги;
- кино режиссурасига оид атамалар ва уларнинг мазмун моҳияти;

- режиссёр, санъаткор сифатида асар воқелигини режалаштиришда фалсафий мушоҳадалари;

- мумтоз ва тарихий кино асарлар режиссёрлиги *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- кино асарни бадиий яхлитликда тасаввур қилишни;
- кино кўринишларининг умумий уйғунлигини;
- режиссура қонуниятлари ва экран талабларини ўзлаштиришни;
- образлар билан ишлашда нутқ элементларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- майдон томошалари режиссёрлиги;

- режиссёрлик санъатида давр ва макон, жанр ва услуб масалаларига тўғри ёндашиш *кўникмаларга эга бўлиши керак.*

6.2.4. Ихтисослик фанлари бўйича талаблар

6.2.4.1. Кино композицияси ва макетлаштириш фани бўйича

Бакалавр:

- композицияда ҳаётӣй воқеликнинг руҳияти, соғлом эмоционал бадиий тизими;
- фильм тасвирий ечими композицион тизимнинг гоӣвий-бадиийли;
- тарихий давр оқимлари, этнография меъморӣй услублари;
- ранглар уйғунлигининг эмоционал-психологик таъсирчанлик билан алоқаси;
- композицион рангтасвирнинг бадиий-эстетик жиҳатлари ва бадиий ифодалилиги;

ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- фильм композициясининг яратилиш назариясини;
- асар гоӣсини акс эттиришни;
- кино драматургия асар гоӣсининг макет ечими учун хомаки чизгилар;
- кино асар раскадировка эскизларини бажаришни;
- амалий жиҳатдан технологик ва техник қонуниятларини қўллашни;
- ашёларни макетга, асар гоӣсига қараб тўғри танлашни;
- макетнинг фазовӣй композицион маконӣй ечимларини;
- макет яратишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- композициянинг ашёл хосиятлари билан органик алоқасини, шаклнинг вазифаси, унинг беаги ва рангини;

- макет турларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- кино рассоми томонидан бажариладиган тасвирий ечимнинг композицион қодаларини ўрганиш;

- фильм персанажлари ва оброзларига моҳирлик ҳамда эҳтиёткорона ёндашиш;

- композициянинг эстетик жиҳатларидан фойдаланиб унинг бадиий дидини ривожлантириш;

- рассом, санъаткор сифатида воқеликка фалсафӣй ва замонавӣй дунёқарашини шакллантириш;

- кино драматургия гоӣсини макетда акс эттириш;

- композицион асарнинг ранг ва шакл ёрдамида узвӣй ягоналигига эришиш ва улар ёрдамида гоӣвий мазмунини очиб бериш *кўникмаларга эга бўлиши керак.*

6.2.4.2. Кино декорация лойиҳалаш технологияси фани бўйича

Бакалавр:

- кинодекорация лойиҳалаш технологиясини яратишда унинг ўзига хос хусусиятлари ва ижодӣй ишлаб чиқариш муаммолари;

- кино рассоми ва санъаткор сифатида асар воқелигига бўлган дунёқараш, фалсафӣй ва замонавӣй билимини ўстириш;

- павильонда декорация яратилиши *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- студиядаги суратга олиш учун мўлжалланган павильонлар жойлашуви;

- турли эффектлар яратиш учун мўлжалланган техник мосламаларни;

- фильмнинг гоӣвий-тасвирий ечимини ҳал этишда ва суратга олиш жараёни вақтида рассомнинг ўрнини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- кино рассоми томонидан бажариладиган тасвирий асар шаклланиши қонуниятлари;

-

- кино декорация лойиҳасида асар гоясини акс эттириш;

- кино асар гоясини декорацияда акс эттиришни;

- кино рассоми эскизи бўйича кинодекорацияларнинг иш чизмаларини илаб чиқиш

кўникмаларга эга бўлиши керак.

6.2.4.3. Рангтасвир техника ва технологияси фани бўйича

Бакалавр:

- рангтасвир техника технология ва ашёлар ривожланиши;

- уларнинг физик ва кимёвий жиҳатларининг санъат асари яратилишидаги ўзига хослиги;

- турли даврлардаги турли усул ва технологиялари;

- рангтасвир асарларини яратишда бадиий материаллардан фойдаланишнинг ўзига хослиги **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- рангтасвир техника технология назарияси;

- амалий кимё маҳсулоти сифатидаги бадиий ашёлари;

- рангтасвир асари яратишда турли ашёларни ўз ўрнида қўллашни;

- тасвирий санъатдаги асосий технологик тизимларни;

- бадиий асар яратиш жараёнида рангтасвир асарларининг энг маъқбул технологик тизимларини;

- рангтасвир ашёлари технологияси асослари;

- рангтасвир асарларини яратишда фойдаланиладиган ашёлари;

- рангтасвир мой-буёқ ашёларининг физик ва кимёвий хусусиятларини;

- рангларнинг тузилиши ва асосий характеристикасини;

- рангтасвирда қўлланиладиган лок, мой, эритувчи ва суюлтирувчи ашёлар ва мой-буёқларни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- рангтасвир асарларининг сифатли сақланиш;

- бадиий ашёлар бўйича янги кимёвий ихтиролар ва замонавий тасвирий санъат ашёлардан фойдаланиш;

- оқаришдан тозалаш;

- мой-буёқ расмларидан нуксонларни йўқотиш;

- картиналарнинг юзасини кир босишдан сақлаш ва лок билан қошлаш;

- мумтоз ва замонавий расмлардан нусха кўчириш **кўникмаларга эга бўлиши керак.**

6.3. Танлов фанлари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва кўникмаларига

қўйиладиган талаблар:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

7. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари

7.1. 5150800 – Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими) таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

Назарий таълим	136 ҳафта
Атгестация	19 ҳафта
Таътил	30 ҳафта
Малака амалиёти	14 ҳафта
Битирув иши	5 ҳафта
Жами	204 ҳафта

7.2. Талаба ҳафталик ўқув юкмасининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкмаси - 32 соат, қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

7.3. Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юктамалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.4. Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки фанлар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

7.5. 5150800 – *Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими)* бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмуни ва компонентлари

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг зарурий мазмуни ва компонентлари «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

7.5.2. Математик ва табиий-илмий фанлар мазмуни ва компонентлари

7.5.2.1. Информатика ва ахборот технологиялари:

информатика: тушунчаси ва моҳияти; замонавий информатика ва ахборот технологиялари тушунчаси; информатика ва ахборот тушунчаси; информатиканинг асоси ва унинг замон тараққиётидаги аҳамияти; ахборот, ахборотлаштириш; ахборотларнинг ўлчов бирликлари; ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш технологиялари; компьютер -информатиканинг техник асоси; компьютернинг дастурий таъминоти; алгоритмлаш асослари.

Ахборот тушунчаси: ахборот тўплаш, узатиш, қайта ишлаш ва жамғариш жараёнларининг умумий тавсифи; информацион жараёнларни амалга оширишнинг техникавий ва дастуравий воситалари; функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделлари; алгоритмлаш ва дастурлаш; юқори даражадаги дастурлаш тиллари; маълумотлар базаси; дастуравий таъминот ва дастурлаш технологияси; компьютер графикаси асослари.

7.5.2.2. Компьютер графикаси:

Delphi, Pascal тили; операцион тизимнинг умумий характеристикаси; график тасвирлар устида ишлаш; ҳужжатларни турли матн-процессорлар орқали таҳрирлаш (Microsoft Word); жадвал процессори – Microsoft Excel; тақдимотлар яратиш, улар устида ишлаш (Microsoft Power Point); Access маълумотлар базасини бошқариш тизими; Access ёрдамида маълумотларни дастурлаш; маълумотлар базасини яратиш усуллари ва умумий характеристикаси; тармоқлар устида ишлаш; Интернет хизматларидан фойдаланишни ўрганиш; электрон почта очиш ва ундан фойдаланиш.

7.5.2.3. Перспектива:

перспектива кўламнинг тузилиши ҳисобига ҳажмли жисмларни тасвирлаш тизими сифатида; перспектива тартиб ва усулларнинг тарихий босқичлар ривожланиши: Қадим Шарқ, Антик санъатида табақали композициялар, Ўрта аср перспектива қурилишида шартли-рамзий схемаси; Уйғониш даври санъатида марказли-перспектива қурилиши; XVII-XVIII-асрларда олимларнинг оптика-математик асосланиши; Хитой ва Япониянинг параллел перспективаси; перспектива турлари: чизиқли – яъни тесқари, панорамали, гумбазли – яъни «балиқ қовурғаси»; Қадим Рим фрескаларида ҳаволи перспектива; чизиқли перспектива эффектлари; картинанинг периферияли қисмларда пайдо бўладиган тузилишлар; перспективали рангтасвир; декоратив рангтасвир; мавжуд меъморий кўлам иллюзияли кенгайтиши; перспектива тасвирларининг қурилиш усул ва қоидалари.

7.5.2.4. Пластик анатомия:

пластик анатомия одам танаси тузилиши ҳақидаги фан сифатида, унинг ташқи шакллари ва шакллар характери билан боғланганлиги, органлар функциясини белгиловчи тана тузилишининг элементлари; остеология (суяклар тузилиш ва шакли, уларнинг функциялари билан боғлиқликда); синдесмология (мушак ва пайлар, суякларнинг ўзаро боғлиқлиги); миология (мушак тизимининг тузилиши); бош, тана, қўллар, оёқлар, таз; одам

танасининг статика (тургунлик) ва динамикаси (ҳаракатлилик); тананинг ташқи қопламаси; тана тузилиши типлари; одам танаси тузилиши ва пластикасида ёш ўзгаришлари.

7.5.2.5. Экология:

биосферанинг тузилиши, экотизимлар, организм ва муҳитнинг ўзаро муносабатлари, экология ва инсон саломатлиги, атроф-муҳитнинг глобал муаммолари.

Табиат ресурслари ва табиат муҳофазасидан рационал фойдаланишнинг экологик тамойиллари, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий асослари, экоҳимоялаш техникаси ва технологиялари, иқтисодий ҳуқуқ асослари ва касбий масъулият, атроф-муҳит соҳасида халқаро ҳамкорлик.

Меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолиятининг энг қулай шарт-шароитлари, антропоген омилларининг манбалари, техник тизимларнинг хавфсизлиги ва экологик тозаллиги, фавқулдда вазиятлар шароитида хавфсизлик, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгин хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари, меҳнатнинг психофизиологияси асослари, инсон организмнинг анатомик ва антропометрик кўрсаткичлари.

7.5.3. Умумкасбий фанлар мазмуни ва компонентлари

7.5.3.1. Тасвирий санъат умумий тарихи:

тасвирий санъат тур ва жанрлари; тасвирий санъат пайдо бўлиши тарихи; ибтидоий давр босқичларида тасвирий ва амалий санъатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи; тасвирий санъат атамалари билан танишиш; Мегалит маданияти тарихи; Қадимги Миср, Олд Осиё меъморчилиги ва тасвирий санъати тарихи, уларнинг таҳлили; Узоқ Шарқ, Қадимги Греция, Рим меъморчилиги ва тасвирий санъати; уйғониш даври меъморчилиги ва тасвирий санъати (Италия, Испания, Франция, Германия санъати); XX аср меъморчилигида конструктивизм ва функционализм услубларининг ўрни; XX аср ҳайкалтарошлиги санъати тарихи; XIX аср охири-XX аср бошида рус тасвирий санъати тарихи;

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи фани предмети, назарий-методологик асослари; IX-XIII асрларда Ўзбекистон тасвирий санъати; Амир Темур даври тасвирий санъати; Темурийлар даври санъати; Шайбонийлар даври тасвирий санъати; Аштархонийлар даври тасвирий санъати; XVIII-XIX асрлар даври Ўзбекистон тасвирий санъати; XVIII-XIX асрлар Бухоро амирлиги даври тасвирий санъати; XVIII-XIX асрлар Хива хонлиги даври тасвирий санъати; XIX асрнинг охири XX бошлари Ўзбекистон тасвирий санъати; 1900-1920, 1920-30 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъати; 1930-1950 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъати; 1950 йиллар иккинчи ярми Ўзбекистон тасвирий санъати; 1960-1970 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъати; 1980 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъати; мустақиллик даврида Ўзбекистон тасвирий санъати.

7.5.3.2. Чизматасвир:

чизматасвир - тасвирий санъатнинг асоси; чизматасвирнинг предмети ва методи, тасвирий ўқишнинг асоси, амалий малакага эга бўлиш, фазовийликни ҳис қилиш, перспектива, пропорциялар тушунчаси, тасвир этилаётган предметнинг ва предмет гуруҳларининг шакли ва ҳажми; тасвирда актив ва пассив методлар; тасвир воситалари ва чизиш усуллари; кийимдаги фигуранинг чизмалари ва драпировка ёрдамида чизиш, тасвир этилаётган фигуранинг бадий ечими; чизмалардан бирликка бориш методи; предметларнинг фазодаги график тасвирини перспектив кискартириш қонуни; тусли перспектива қонуни; ёруглик-тусли графика усуллари; акс этиш қонуни; инсонни биомуҳитда тасвирлашнинг график усуллари; тасаввур этиш асосида график фазовийликни яратишга композицион ёндашиш; ҳаёлан яратилган фазовийликка ва объектларга ижодий ёндашиш тамойиллари; кўриш орқали тасвирлаш, ҳаёлан тасвирлаш.

Чизматасвир ўқув топшириғида бажариладиган чизгитасвирнинг, асар сифатида шаклланиши қонунияти; жисм ва жуссаларнинг конструктив тизими қонуниятлари; натурани бадий кўриш ва анализ қила билиш; жисм ва жуссалар шакл пластикаси тизими ва конструктив тизими қонуниятлари; ўқув топшириқларини бажаришда чизгитасвирнинг ўзига хос хусусиятлари; натурадан ўқув топширигини ўзаро солиштирган ҳолда бажариш; жисм ва

жуссалар анатомик ва конструктив тизими қонуниятлари; чизгитасвир ўқув топшириқларини бажаришда унинг ўзига хос хусусиятларини.

Чизматасвирда турли инсонлар юз – қиёфаси, феъл – атвори, руҳий ҳолатини ишонарли ифодалаб бериш; тасвир мавзуни ва тимсолининг асос моҳияти, етакчи жиҳат ва хусусиятларини тўғри белгилаб бериш; жаҳон чизгитасвир мактаблари тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш; чизматасвир техникаларининг хусусиятларини чуқур ўрганиш; чизгитасвир асарларида график воситаларидан самарали фойдаланиш; жаҳон тасвирий санъат усталарининг чизматасвир асарларини илмий-ижодий ўрганиш ҳамда ўқув постановкаларида қўллай олиш; хомаки чизгиларда мавзули мураккаб постановкаларнинг композицион ечимини топиш; тасвирланаётган предмет ва предметлар гуруҳи тушунчаси ва уларнинг мутаносибликлари, шакли ва ҳажмини аниқлаш; чизикларнинг фаол ва суат бажариш услубларини моҳирона тасвирлаш; инсоннинг пластик анатомиясини илмий-ижодий таҳлил қилиш ва мураккаб ракурсларда ифодали ёритиб бериш.

Чизматасвирнинг предмети ва методи, тасвирий ўқишнинг асоси, амалий малакага эга бўлиш, фазовийликни ҳис қилиш, перспектива, пропорциялар тушунчаси, тасвир этилаётган предметнинг ва предмет гуруҳларининг шакли ва ҳажми; натюрморт пастоновкаси, одам чехраси пастоновкаси, портрет елка билан пастоновкаси, портрет қўл билан пастоновкаси, қўл ва оёқ пастоновкаси; кийимдаги экак киши қомати пастоновкаси, кийимдаги аёл киши қомати пастоновкаси, кийимсиз экак киши (ялонғоч) қомати пастоновкаси, кийимсиз аёл киши (ялонғоч) қомати пастоновкаси; ялонғоч одам ҳайкали пастоновкаси, кийимдаги жуфт қомат пастоновкаси, кийимсиз (ялонғоч) жуфт қомат пастоновкаси; ракусдаги қомат пастоновкаси; интерьердаги қомат пастоновкаси, тўлиқ жуссали портрет интерьерда, бирор мавзудаги тўлиқ жуссали портрет, кўриш орқали тасвирлаш, конструктив ишлаш, тусли ишлаш, анатомик ишлаш, катта ва кичик бўлақларга бўлиб ишлаш, анатомик ишлаш, психологик портрет ишлаш, силуэтли ишлаш, чизикли ишлаш, қалам ва соусда ишлаш, сангина ва кўмирда ишлаш, рангли қоғозларда ишалаш; чизикли перспектива, ёруғлик, рефлекс, соя, блик, тасвир воситалари ва чизиш усулларини ўрганиш.

7.5.3.3. Рангтасвир:

Рангтасвир - тасвирий санъатнинг бир кўриниши сифатида; рангтасвир техникалари: темперали, акварелли, гуашли; рангтасвир техникаси усулларини ўрганиш: фаол, эркин ва ранг билан, чуқур эътибор билан; одам чехраси пастоновкаси рангтасвири композицион рангтасвир асарларида колористиканинг ечими, таркатовка шакллар масаласи; , портрет елка билан пастоновкаси рангтасвири, портрет қўл билан пастоновкаси рангтасвири, кийимдаги экак киши қомати пастоновкаси рангтасвири, кийимдаги аёл киши қомати пастоновкаси рангтасвири, кийимсиз экак киши (ялонғоч) қомати пастоновкаси рангтасвири, кийимсиз аёл киши (ялонғоч) қомати пастоновкаси рангтасвири; предметларга ёруғлик тушганда локал рангларнинг ўзгариши; рангдаги перспектива; ялонғоч одам ҳайкали пастоновкаси рангтасвири, кийимдаги жуфт қомат пастоновкаси рангтасвири, кийимсиз (ялонғоч) жуфт қомат пастоновкаси рангтасвири; ракусдаги қомат пастоновкаси рангтасвири; интерьердаги қомат пастоновкаси рангтасвири.рангли ва тусли муносабат, фактура; натюрморт-рангтасвирдаги жанр сифатида; натюрморт жанрининг ривожланиш тарихи; акварел билан ўқув этюдига кириш методикаси; натюрморт этюдларини яқинлаштириш ва контрастли рангли туслар; амалиётда натюрмортни форэскиз методидан бошлаб (композицион вариантлар) ишни тугатиш, контр-ажур ва унинг қонунари; портрет - рангтасвир жанри сифатида, рангли ва тусли шаклни портретда ясаш; колористик ечим; натурани бош кийимда чизиш этюди, ярим фигурани кийимда ва замонавий костюмда тасвирлаш.

Инсонни реалистик тасвирлашни ва бадий-пластик тузилишини ифодалай олиши; инсоннинг маънавий ва руҳий дунёсини очиб беришни; иждодий тафаккур юрита олиш ва атроф-муҳитни бадий талкин этишни; табиат ранг-баранглигини колорит воситалари орқали ифодалашни; колоритни тасвир воситаси эканлиги боис ранг ва шаклни ўзаро

мувофиқлигини яратишни; ўқув топширигида реал ҳаққонийлик ва ҳаётийликни яратиш; бадиийлик воситалари ифодалилигини яратиш; рангтасвир жанрларининг хусусиятларини чуқур ўрганиш; жанрларнинг асосий ечимларини таҳлил қилиш; ранг ва колористик ечимларни чуқур ўрганиш ва ўз асарида қўллаш; шакл ва мазмун бирлигини сақлаш; ижодий фикрни ифодалашда турли техник воситаларни қўллаш олиш; асар яратиш жараёни устида ишлашда ижодий ёндошув; мураккаб композицион ечимда (кўп шакли, турли ракурслардаги, мураккаб колористик гамма ва бошқалар) натура билан постановка вазибаларини ишлаш; рангтасвирнинг ўзига хос усулларини ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш; шакл, мазмун ва колористик ечим яхлитлигига эришиш; ижодий асар гоёсига боғлиқ ҳолда ўзига хос ёндошиш; рангтасвир асарининг образли бадиий элементларини гоёга мувофиқлаштириш.

Рангтасвир асарининг гоёсидан келиб чиққан ҳолда услубий воситалардан оқилона фойдалана билиш; мавзуга тааллуқли зарур манбааларни ўрганиш ва жаҳон рангтасвир классиклари асарларини илмий ва ижодий ўрганиш; асар муҳитини ифодалаб берувчи манзара ва натурадан этюдлар бажариш ва уни бадиий асарда қўллаш; асарнинг умумий яхлитлигини ва ҳаққонийлигини бадиий ифодалаш; постановкада натура ва интерьернинг ўзаро боғлиқлигига ҳамда ранглар уйғунлигига эришиш; композицион рангтасвир асарларида колористиканинг ечими, таркатовка шакллар масаласи; предметларга ёруғлик тушганда локал рангларнинг ўзгариши; рангдаги перспектива; рангли ва тусли муносабат, фактура; натюрморт - рангтасвирдаги жанр сифатида; натюрморт жанрининг ривожланиш тарихи; акварел билан ўқув этюдига кириш методикаси; натюрморт этюдларини яқинлаштириш ва контрастли рангли туслар; амалиётда натюрмортни форэскиз методидан бошлаб (композицион вариантлар) ишни тугатиш, контр-ажур ва унинг қонунлари; портрет - рангтасвир жанри сифатида, рангли ва тусли шакли портретда ясаш; колористик ечим; натура бош кийимда чизиш этюди, ярим фигурани кийимда ва замонавий костюмда тасвирлаш.

Конструктив ишлаш, тусли ишлаш, анатомик ишлаш, катта ва кичик бўлақларга бўлиб ишлаш, психологик портрет рангтасвирини ишлаш, силуэтли ишлаш, иссиқ колоритда ишлаш, совуқ колоритда ишлаш, рангли фломастерларда ишлаш, рангли фонда ишалаш; амалий малакага эга бўлиш, фазовийликни ҳис қилиш; ранг перспективаси, ҳавойий перспектива, компоновка қилиш, композицияли жойлаштириш, пропорциялар тушунчаси; ёруғлик, рефлекс, соя, блик, яримсоя тушунчаси; чегараланган рангларда ишлаш, рангтасвир техникалари: темперали, акварелли, гуашли; рангтасвир техникаси усулларини ўрганиш: фаол, эркин ва рангга чуқур эътибор билан ишлаш; композицион рангтасвир асарларида колористиканинг ечими, таркатовка шакллар масаласи; предметларга ёруғлик тушганда локал рангларнинг ўзгариши; рангда перспектива яратиш; рангли ва тусли муносабат, фактура; натюрморт - рангтасвирдаги жанр сифатида; натюрморт жанрининг ривожланиш тарихи; натюрморт этюдларини ишлаш, контрастли ранглардан фойдаланиш; жаҳон тасвирий санъат асарларидан нусха олиш, жаҳон тасвирий санъат усталари асарларининг сирларини ва усулларини ўрганиш.

7.5.3.4. Рангшунослик ва композиция асослари:

рангшуносликнинг назарий асослари; ранг физикаси; рангнинг асосий тавсифлари; ранг доираси ҳақида тушунча; ахроматик, монохром ранглар қатори ҳақида тушунча; ўхшаш, ўхшаш-контраст, контраст ранглар тушунчаси; ранглар психологияси; рангларнинг стереоскопик эффекти; либос композициясида ранглар орасидаги муносабатлар ва уларнинг уйғунлиги; колорит тушунчаси; либос композициясида гармоник ранг бирикмалари; турли услубий ечимлардаги либослар учун хос бўлган ранглар гаммаси

Ранг доирасини тузиш; ранг доирасидаги рангларни ҳосил қилиш ва уларни маълум тартибда тўлиқ жойлаштиришни ўрганиш; ахроматик ва монохром рангли қаторларни тузиш; монохром, ахроматик, ўхшаш, ўхшаш-контраст, контраст ранглардан абстракт композициялар тузиш, ранглараро муносабатларни ўрганиш; монохром, ахроматик, ўхшаш, ўхшаш-контраст, контраст ранглардаги либос эскизларини чизиш.

Композиция тушунчаси; композиция хоссалари, усуллари ва воситалари; композицияда метрик ва ритмик такрорланишлар; ҳажмий-фазовий композиция турлари; композицияда ранг; композицияда масштаб; композиция элементлари орасидаги муносабатлар; композицияда пропорциялар ва унинг турлари; либос композициясида силуэт;

7.5.3.5. Кино режиссура асослари:

режиссура тарихи ва йўналишлари; кино телефильм режиссураси қонуниятлари ва атамалари; мини ва катта сахна томошалар режиссураси; мумтоз ва тарихий асарлар режиссёрлиги; режиссёр ва рассомнинг ижодий ҳамкорлиги, тандем тушунчаси; сахна безагини режелаштиришда режиссёрлик маҳорати ва актёрлар муҳити; сахна асарини фалсафий мушоҳада этиш; сахна кўринишлари ва уларнинг ўзгарувчанлиги, кўп планли мизансценалар тузиш; мусиқали ва драма, комедия ва бошқа турдош кино режиссура асослари.

7.5.4. Ихтисослик фанлари блокнинг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.4.1. Кино композицияси ва макетлаштириш:

композиция - тасвирий санъатда бадиий ижоднинг бош мақсади сифатида; унинг яратиладиган бадиий асар тизими ва мазмун-моҳияти билан ўзаро боглиқлиги; композиция элементларини композицион воситалар сифатида акс эттириш, тасвирланаётган воқеликнинг ҳаётийлиги ва ишонарли талқинини яратиш ҳамда ижодкорнинг бадиий ифода воситаларини ривожлантириш; фикрлаш ва атроф муҳитни умумлаштириш, фикрни рўёбга чиқариш, ижодий тасаввурни ривожлантириш.

Композицияда бадиий асар яхлитлиги, унинг қисмлари ўзаро боглиқлиги; макетлашнинг асосий мақад ва гоъвий яхлитликни аниқ кўрсатувчи бадиий ифодалари, инсонийликни тараннум этиш.

Макетлашда стандарт масштаб; макетда буюмнинг элемент фаолиятини кўрсатиш даражаси; макетда буюм ашёсини кўрсатиш усуллари; макет конструкцияси; макетлашда қўлланиладиган ашёлар; турли қийин буюмларнинг макетини яшаш; макет – интерьер ва экстерьерда бадиий фазовий модель ечими сифатида; курс лойиҳасига мос эскиз қилиш; масштабда бинонинг асосий қисмларини қуриш, бино қисмининг пропорционал нисбати; қирқимли макетни яшаш технологияси; ашёларни танлаш; деталларни бичиш; макетни тайёрлаш технологияси.

Композицияда макон қонун-қоидалари; асар гоъсининг яхлит ифодалилиги; ёрқин образларни ишлаб чиқиш; эскизни бажаришда қўлланиладиган воситалар - гуашь, акрил, темпера, пигмент, акварел, мой-бўёқ; композиция элементларни бадиий воситалар сифатида акс эттириш; тасвирланаётган воқеликнинг ҳаётийлиги; тасвири ишонарли талқин этиш; декоратив ва локал шаклли эскизлар; атрибут, персонаж ва либосларда образлилик; композицион фикрлаш ва маконини ҳис этиш қобилиятлари; композицияда бадиийлик, ритм, масштаб, ҳажм ва динамика; рангтасвир ечимини умумлаштириш, асарни лойиҳалашда ечимни рўёбга чиқариш; ижодий тасаввурни ривожлантириш омиллари; мураккаб композицияда асар муҳитини ўрганиш; тарихий асардаги персонажлар ва образлар; тарихий жанрдаги колорит; динамика, ритм, макон ўлчамлари; деворий асарда бадиий яхлитлик; композицион лойиҳа бажаришда бадиий ифодаликка эришиш; декоратив композиция яратишда масштаб ўлчамлари ва текислик; кўп қоматли эскизлари; деворий рангтасвир асарини яратишда тарихий, замонавий маиший турмуш ашё ва шаклларни қўллаш; кўп планли композиция лойиҳани ишлаш; ранг, ритм, стилизация, пластика ва динамика синтези; панно, фриз, портрет, композиция турлари ва усуллари; композиция маркази; кўп қом атли композиция эскиз яратишда гоъвийликка эришиш.

7.5.4.2. Кино декорация лойиҳалаш технологияси:

кино ва телефильмни экранлаштиришнинг технологик жиҳатлари; лойиҳалаш технологияси қурилмаларини тайёрлаш ва жиҳозлаш; қўлланилган кинодекорацияларни қайта таъмирлаш ва қўллаш; кино ва телефильмнинг сахналарини тузиш; кинодекорацияни масштаб ва пропорция ўлчамларни лойиҳалашда қўллаш; кино павилионда атрибутлар,

жихозлар, реквизитлардан фойдаланиш; бадий кенгашда лойиҳани презентациялаш; технологик жараёнда мавжуд ашёларни жозибали қўлаш;

Съёмкага олиш техникасини модернизациялаш ва мослаштириш; павилионда ишчи гуруҳларни ташкил этиш ва цехларни ишга тушириш; компанияда техник хавфсизлик шароитларини ишлаб чиқиш ва мастер-класс ўтказиш; съёмка жараёнини унумли ташкил этиш ва таъминлаш.

7.5.4.3. Рангтасвир техника ва технологияси:

тасвирий санъат асарларини яратишда фойдаланиладиган ашёлар ва уларнинг физик ва кимёвий жиҳатлари; тасвирий санъат ривожланишининг турли даврларидаги турли усул ва услублар, уларнинг технологияси; рангларнинг тузилиши ва асосий хarakterистикаси; рангтасвир асарларини яратишда бадий материаллардан фойдаланиш; рангтасвир асари яратишда ашёлар услубияти ва асосий технологик тизими, бадий асар яратиш жараёнида, рангтасвир асарларини сақланишини кафолатлашда технологик тизимнинг аҳамияти; мой-бўёқ расмларидан нуқсонларни йўқотиш; картиналарнинг юзасини кир босишдан сақлаш ва лок билан қоплаш; бадий ашёлар бўйича янги кимёвий ихтиролар ва замонавий тасвирий санъат ашёлари.

7.5.5. Танлов фанлари

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқиши ва мойилликларига мос келадиганларини танлаб ўқийдилар.

7.5.6. Малака амалиёти

Очиқ ҳавода натура ишлаш(1-курсда):

Очиқ ҳавода қуёш нури, атроф муҳит таъсирида инсон кўриниши, унда ранг ва тус ўзгаришларини қораламалар, этюдлар, узоқ вақтли чизма, рангтасвир орқали ўрганиш; кейинги курс вазибаларида, ўз ижодий ишларида унумли фойдаланиш. Амалиёт натижалари кафедра профессор, ўқитувчиларидан ташкил топган ҳайъат тамонидан баҳоланади.

Очиқ ҳавода натура ишлаш (2-курсда):

Табиат қўйнида либосли, либоссиз инсон ярим қоматининг кўриниши; қуёш ёруғлиги, соя, рефлекс таъсирида одам бадани рангларини ўзгаришини ўрганиш бўйича қоралама, этюд, ва узоқ вақтли вазибаларни бажариш. Амалиёт натижалари кафедра профессор, ўқитувчиларидан ташкил топган ҳайъат тамонидан баҳоланади.

Меъморий ёдгорликларни ўрганиш (2-курсда):

Қадимий шаҳарлар ёдгорликлари тимсолида ўрта аср Шарқ архитектурасининг ўзига хослиги, ривожланиш жараёнларини ўрганиш; обидалар сиртки, ички, нақш, грих, ёзув безакларидан қораламалар ишлаш, нусха олиш; архитектура ва инсон муносабатлари, миллий қадриятларимиз мавзусида ижодий композиция ишлаш;

Кино студияларда ишлаб чиқариш амалиёти (3-курсда):

лойиҳалаш жараёнида, кино асарлари ишлаб чиқариш компанияларида ўқув-амалий ишлар олиб бориш; тажрибали постановкачи рассомлар раҳбарлигида безаш ишларида қатнашиш; кино техникаси ва механизмлардан фойдаланиш; мураккаб конструкция шаклларини яратиш ва шаблонлар тузиш; бутафория маҳсулотларини яратишда конструктив изланиш; трафарет, масштаб, аппликация ва имитацияли безаш категориялари билан ишлаш.

Битирув иши учун материаллар тўплаш(3-курсда):

битирувчи амалиёт вақтида бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрланади; ўзлаштирган назарий, амалий билимларини чуқурлаштиради ва мустақамлайди; малакавий битирув иши мавзуси бўйича кино студияларда, суратга олиш майдонларида битирув иши мавзуси асосида назарий, амалий маълумотлар йиғиш; битирув иши амалиёти диплом мавзуси бўйича жойлардан фото суратлар, рангли этюдлар ва турли чизгилардан ташкил топган материаллар тўплайди, юқорида тўпланган маълумотларни йиғиш, улардан мақсадли фойдаланиш амалиёт раҳбарининг маслаҳати, тавсияси асосида

жихозлар, реквизитлардан фойдаланиш; бадий кенгашда лойихани презентациялаш; технологик жараёнда мавжуд ашёларни жозибали қўллаш;

Съёмкага олиш техникасини модернизациялаш ва мослаштириш; павилионда ишчи гуруҳларни ташкил этиш ва цехларни ишга тушириш; компанияда техник хавфсизлик шароитларини ишлаб чиқиш ва мастер-класс ўтказиш; съёмка жараёнини унумли ташкил этиш ва таъминлаш.

7.5.4.3. Рангтасвир техника ва технологияси:

тасвирий санъат асарларини яратишда фойдаланиладиган ашёлар ва уларнинг физик ва кимёвий жиҳатлари; тасвирий санъат ривожланишининг турли даврларидаги турли усул ва услублар, уларнинг технологияси; рангларнинг тузилиши ва асосий хarakterистикаси; рангтасвир асарларини яратишда бадий материаллардан фойдаланиш; рангтасвир асари яратишда ашёлар услубияти ва асосий технологик тизими, бадий асар яратиш жараёнида, рангтасвир асарларини сақланишини кафолатлашда технологик тизимнинг аҳамияти; мой-бўёқ расмларидан нуқсонларни йўқотиш; картиналарнинг юзасини кир босишдан сақлаш ва лок билан қошлаш; бадий ашёлар бўйича янги кимёвий ихтиролар ва замонавий тасвирий санъат ашёлари.

7.5.5. Танлов фанлари

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқиши ва мойилликларига мос келадиганларини танлаб ўқийдилар.

7.5.6. Малака амалиёти

Очиқ ҳавода натура ишлаш (1-курсда):

Очиқ ҳавода куёш нури, атроф муҳит таъсирида инсон кўриниши, унда ранг ва тус ўзгаришларини қораламалар, этюдлар, узоқ вақтли чизма, рангтасвир орқали ўрганиш; кейинги курс вазифаларида, ўз ижодий ишларида унумли фойдаланиш. Амалиёт натижалари кафедра профессор, ўқитувчиларидан ташкил топган ҳайъат тамонидан баҳоланади.

Очиқ ҳавода натура ишлаш (2-курсда):

Табиат қўйнида либосли, либоссиз инсон ярим қоматининг кўриниши; куёш ёруғлиги, соя, рефлекс таъсирида одам бадани рангларини ўзгаришини ўрганиш бўйича қоралама, этюд, ва узоқ вақтли вазифаларни бажариш. Амалиёт натижалари кафедра профессор, ўқитувчиларидан ташкил топган ҳайъат тамонидан баҳоланади.

Меъморий ёдгорликларни ўрганиш (2-курсда):

Қадимий шаҳарлар ёдгорликлари тимсолида ўрта аср Шарқ архитектурасининг ўзига хослиги, ривожланиш жараёнларини ўрганиш; обидалар сиртки, ички, нақш, грих, ёзув безакларидан қораламалар ишлаш, нусха олиш; архитектура ва инсон муносабатлари, миллий қадриятларимиз мавзусида ижодий композиция ишлаш;

Кино студияларда ишлаб чиқариш амалиёти (3-курсда):

лойиҳалаш жараёнида, кино асарлари ишлаб чиқариш компанияларида ўқув-амалий ишлар олиб бориш; тажрибали постановкачи рассомлар раҳбарлигида безаш ишларида қатнашиш; кино техникаси ва механизмлардан фойдаланиш; мураккаб конструкция шаклларини яратиш ва шаблонлар тузиш; бутафория маҳсулотларини яратишда конструктив изланиш; трафарет, масштаб, аппликация ва имитацияли безаш категориялари билан ишлаш.

Битирув иши учун материаллар тўплаш (3-курсда):

битирувчи амалиёт вақтида бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрланади; ўзлаштирган назарий, амалий билимларини чуқурлаштиради ва мустаҳкамлайди; малакавий битирув иши мавзуси бўйича кино студияларда, суратга олиш майдонларида битирув иши мавзуси асосида назарий, амалий маълумотлар йиғиш; битирув иши амалиёти диплом мавзуси бўйича жойлардан фото суратлар, рангли этюдлар ва турли чизгилардан ташкил топган материаллар тўплайди, юқорида тўпланган маълумотларни йиғиш, улардан мақсадли фойдаланиш амалиёт раҳбарининг маслаҳати, тавсияси асосида

малакавий битирув (диплом) ишини бажаришда фойдаланилади. Амалиёт натижалари кафедра профессор, ўқитувчиларидан ташкил топган хайъат тамонидан баҳоланади.

Битирув олди амалиёти:

битирув олди амалиёти вақтида битирувчи бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрланади; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштиради ва мустаҳкамлайди; малакавий битирув иши мавзуси бўйича тўпланган маълумотларни битирув олди амалиёти даврида қўшимча равишда махсус фанлар бўйича мутахассислар билан бевосита битирув иши раҳбари маслаҳати билан олиб боради ва материаллар тўплайди; композиция асарларини яратиш учун замонавий ва тарихий ҳужжатлар, фотолар, архив материаллари, далилий ашёлар, маиший буюмларнинг хомакилари, турли даврга мос либослар, турли ҳолатдаги инсонларнинг образларини йиғади ва ўрганади; илмий-тадқиқот маълумотларини йиғади, мураккаб санъат асарларини яратиш бўйича касбий маҳоратни эгаллашади.

7.5.7. Битирув иши

Битирув иши мавзулари соҳанинг ривожланиш истикболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув иши мавзулари лойиҳавий ёки илмий-бадний йўналишида бўлиши ҳам мумкин.

Битирув иши топшириғи, одатда талабаларга учинчи курс тугатганидан кейин берилади. Битирув иш умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштирганлик даражаси бўйича тўртинчи курсда, шунингдек унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан белгиланган вақт давомида бажарилади.

8. Бакалаврият таълим дастурини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар

8.1. Бакалаврият таълим дастурини ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар

8.1.1. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши керак.

8.1.2. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғаракларда, талабаларнинг илмий жамиятларида иштирокига қўмаклашиши керак.

8.1.3. Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёнида машғулотларнинг фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шакллариини ўтказиш, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар,

Ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллаш назарда тутилиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши керак.

8.1.4. Талабалар ўқув юкмасининг максимал ҳажми таълим дастурига ОТМ томонидан қўшимча белгиланадиган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

8.1.5. ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни инобатга олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга масъул.

8.1.6. Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан(модул, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

8.1.7. Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

8.2. Таълим дастурини татбиқ этилиши

5150800 – Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури аккредитацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устувор бўлмоғи ва шароит яратилиши керак.

Малака амалиёти замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва ИТИ ларида ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба камида иккита Давлат аттестацияларини (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ва чет тили фанларидан) топширади ва битирув иши (лойҳаси) ни ҳимоя қилади. Давлат аттестацияси мос интеграллашган курслар бўйича ўқув жараёни тугаллангандан кейин топширилади.

8.3. Малака амалиётини ташкил этиш талаблари

Амалиётлар бакалаврият таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар танишув, ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – танишув, ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётларини ўз ичига олади.

Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Ўқишнинг биринчи ва иккинчи йилларида ўтказиладиган амалиётлар табиат қўйнида расм чизиш, замонавий ва тарихий обидаларни ўрганиш, кутубхоналарда ишлаш, тасвирий санъат музей ва галереяларида нусха кўчириш, кинода декорацияларни безашда иштирок этиш орқали безаш, кузатувчанлик қобилятини сайқаллаш, табиат шакллариининг ўзига хос томонларини тасвирлаш ҳамда ушбу хусусиятларни тасвирлаш учун мос келувчи тасвирлаш техникасини қўллаш, табиат шакллариини стилизациялаштириш **кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.**

Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг комиссия олдида ҳисобот берилади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Ўқишнинг учинчи йилида ўтказиладиган амалиёт кино асари яратиш компанияларида амалий ишлар олиб бориш, тажрибали постановкachi расомлар билан ишлаш, кино техникаси ва механизмлардан фойдаланиш, мураккаб конструкция шаклларни яратиш ва шаблонлар тузиш, бутафория махсулотларини яратиш, трафарет, масштаб, аппликация ва имитацияли безаш **қўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.**

Ўқишнинг тўртинчи йилида ўтказиладиган амалиёт битирув иши учун материал тўплаш, махсус фанлар бўйича мутахассислар билан ишлаш, битирув иши раҳбари билан ишлаш, битирув иши учун материалларни тайёрлаш **қўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.**

Битирув олди амалиётида талабалар битирув иши (лойихаси) учун материаллар тўплайдилар ва зарур изланишларни амалга оширадилар.

Талабаларнинг илмий-бадий иши амалиётнинг бир бўлагини ташкил қилиши мумкин. Илмий-бадий иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустақамлашга қўмаклашади. У талабани 6-семестрдан кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этишини, курс ишларини илмий ва лойихавий мавзулар бўйича бажаришини ва ҳимоя қилишини, талабанинг талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув ишини кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажаришини назарда тутади.

Талабалар илмий- бадий ишининг ташкил қилинишида ОТМ томонидан қуйидагилар билан таъминланиши керак:

– курс ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;

– мутахассис чиқарувчи факультет (кафедра) нинг илмий мавзуси бўйича талабаларни илмий-бадий ишларини бажаришлари учун лабораторияларда иш жойлари билан таъминлаш;

– ОТМ нинг АРМ ида мустақил илмий-бадий ишини олиб бориш имкониятини яратиш;

– талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил қилиш;

– талабалар илмий конференцияси ғолибларига мамлакатнинг бошқа ОТМ ларига маърузалар билан чиқиш имкониятларини яратиш.

8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар

Бакалавриат таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва қўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалавриат ўқув жараёни илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Бакалавриат таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар ҳар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари керак.

8.5. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари

Таълим дастури таълим дастурининг ҳамма ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-методик ҳужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир талаба таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклланадиган маълумотлар базаси ва АРМ фондидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

Таълим дастури бўйича ҳар бир талаба ўрнатилган меъёрларга мос равишда таълим дастурига кирувчи ҳар бир фан бўйича ўқув ва ўқув-методик чоп этилган ёки электрон нашрлар билан таъминланиши керак.

АРМ нинг асосий фонди фанлар бўйича охириги 10 йилда (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар – охириги 5 йилда) чоп этилган ўқув адабиётларининг босма ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари қўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМ нинг АРМ да таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар (камида ҳар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши керак.

Мамлакатимиздаги ва чет элдаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равишда ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва қидирув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

5150800 – Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими) таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ўқитишнинг интерфаол методи;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- ўйинли технологиялар;
- танкидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари;
- шахсий йўналганлик асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқитишни дифференциациялаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;
- дастурий ўқитиш технологияси;
- ўқитишнинг комплекс методлари (лойихавий метод, тармоқли режалаштириш методи, аклий ҳужум, ассоциограммалар методи ва ҳ.к.).

8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар

Бакалавр тайёрлашнинг таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, семинар, лаборатория машғулоти хамда курс иши, амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнғинга қарши қоидалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавр талим дастурини амалга ошириш учун ОТМ нинг минимал зарур бўлган моддий-техник базаси:

- маъруза аудиториялари;
- семинар ва амалий машғулоти аудиториялари;
- илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар;
- ўқув машғулотида кўргазмаларни намойиш қилиш учун турли хил аппаратуралар;
- амалий машғулоти ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари;
- интернет тармогидан фойдаланиш учун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари;
- семинар машғулоти ишларини ўтказиш хамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши керак.

9. Бакалаврни тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш

9.1. Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш куйидагилардан иборат:

ички назорат ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

яқуний давлат назорати давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича яқуний давлат аттестацияси ва бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олиб, ўрнатилган тартибда амалга оширилади;

давлат-жамоат назорати олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ тартибга солинади.

9.3. ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши керак.

9.4. Яқуний давлат аттестацияси бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади.

Битирув ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг яқуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

9.5. Олий таълим муассасаси:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши;
- профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;
- ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганини;
- ўқув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганиши учун тўла масъулдир.

10. Эслатма

10.1. Олий таълим муассасасига:

– ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкмасини оширмасдан ўқув материални ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари блоклари учун 5% оралиғида, блокка кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралиғида ўзгартириш;

– ўқув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

Талаба битирув ишининг мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

10.2. Курс ишлари муайян ўқув фаолиятининг бир тури сифатида кўрилади ва ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

10.3 ДТС ни билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

10.4. 5150800 – *Рангтавир (фильмнинг тасвирий ечими)* бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ҳафталик аудитория ўқув юкламаси – 32 соат бўлган структура асосида ишлаб чиқилади.

11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати

11.1. ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати - камида 5 йил.

11.2. Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинса ДТС нинг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ЈУМЎЎҚ
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORAT, N. MUHOFAZALANTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

5150800 – Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими) таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т/р	Фанлар блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1704
2.00	Математик ва табиий-илмий фанлар	870
2.01	Информатика ва ахборот технологиялари	150
2.02	Компьютер графикаси	270
2.03	Пластик анатомия	150
2.04	Перспектива	150
2.05	Экология	150
3.00	Умумқасбий фанлар	3546
3.01	Тасвирий санъат умумий тарихи	350
3.02	Чизматасвир	1370
3.03	Рангтасвир	1460
3.04	Рангшунослик ва композиция асослари	120
3.05	Кино режиссура асослари	100
3.06	<i>Танлов фанлари</i>	<i>146</i>
4.00	Ихтисослик фанлари	734
4.01	Кино композицияси ва макетлаштириш	410
4.02	Кино декорация лойиҳалаш технологияси	160
4.03	Рангтасвир техника ва технологияси	90
4.04	<i>Танлов фанлари</i>	<i>74</i>
5.00	Қўшимча фанлар	490
	Жами	7344
	Малака амалиёти	756
	Битирув иши	270
	Аттестация	1026
	Жами	2052
	ҲАММАСИ	9396

Эслатма: Ушбу таълим дастурининг фанлар таркибига ва уларнинг умумий юкламалар ҳажмига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
STANDARTLASHTIRISH, O'LCAMA
VA TAQRIBLASH KAMITATI
HAZORAT N. AVTOFIDIASITLIGI VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BO'YIMASIDA

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар: пластик ечим, рефлекс, тус, постоновка, хомаки чизги, эскиз, биринчи план, орқа план, хомаки, симметрия ассиметрия, динамика, статика, ритм, шакл, колорит, композицион жойлашув, иллюзия, тизим ва унинг кетма-кетлиги, мольберт, этюдник, мастихин, подрамник, планшет, соус, сангина, уголь, ретуш, мўйқалам, муштабель, палитра, лок, пинен, мойбуёк, акрил, темпера, пастель, акварель, гуаш, натура, этюд, натюрморт, драперовка, силуэт, фактура, суратга олиш майдончаси, натурали декорация, павильон, интерьер, экстерьер.

U'ZBEKISTAN RESPUBLIKASI
STANDARTLASHTIRISH, O'KLAT
KAZORAT VA MUHOFAZALAT VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва
ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази

М.Ў.



Директор Б.Х.Рахимов

2014 йил « 12 » 02

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти



Ректор Х.Р.Аминов

2014 йил « 11 » 02

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Бадиий Академияси



ТМ ва ИЁБИББ А.Порсоев

2014 йил « 15 » 02

“Ўзбекфильм очик акциядорлик жамияти”



М.Ў.

Директор Ф.А.Усмонов




2014 йил « 15 » 02

0' 207
STANDARTLAR
HAZORATIN. A. B. 1997
AXBORDI TEXNOLOGIYALARI
JORIY ETISH EK

Ижодий гуруҳ раиси ва аъзолари
Ижодий гуруҳ раиси ва ўринбосари

Ижодий гуруҳ раиси	О.С.Қосимов	Ўқув ишлари бўйича проректор	
Ижодий гуруҳ раиси ўринбосари	А.Ортиқов	Кафедра мудири	

Ижодий гуруҳ аъзолари

Т/р	Ўқув фанлари (курслар)нинг номи	Таянч ОТМдан		Турдош ОТМдан	
		Ф.И.Ш., ловозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо	Ф.И.Ш., ловозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
3.00	Умумқасбий фанлар				
3.01	Тасвирий санъат умумий тарихи	“Музейшунослик” кафедраси доценти У.Н.Кагарова		Маънавий- маърифий ишлар бўйича проректор, профессор Д.Н.Рахматуллаева	
3.02	Чизматасвир	доцент Э. Машарипов		Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Ж. Умарбеков	
3.03	Рангтасвир	доцент Э. Машарипов		Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Ж. Умарбеков	
3.04	Рангшунослик ва композиция	доцент М.Махмудов		Доцент А.Оринов	
4.00	Ихтисослик фанлари				
4.01	Композиция	ўқитувчи А.Бобоев		Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Ш.Абдумаликов	
4.02	Макетлаштириш	доцент Б.Ибрагимов		Бородина М.Р Т.А.Қ.И Профессори	
4.03	Кино декорация лойihalаш	ўқитувчи А.Ортиқов		катта ўқт. А.Жамолов	
4.04	Кино режиссураси	катта ўқитувчи А.Гамиров		М.М.С.И доцент Умаров Валихан	
5.00	Қўшимча фанлар				
5.01	Либос тарихи	катта ўқитувчи Т.Фадеева		Маънавий- маърифий ишлар бўйича проректор, профессор Д.Н.Рахматуллаева	
5.02	Кино тарихи	ўқитувчи С.Расулмухамедова		Фил. Фан. Номзоди Г.Қаршиева	
5.03	Рангтасвир техника технологияси	катта ўқитувчи У. Неъматов		Доцент Ф. Ортиқов	
5.04	Мураккаб тасвир	ўқитувчи А.Бобоев		Доцент А.Оринов	

5150800 – Рангтасвир (фильмни тасвирий ечими) бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим стандарти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида экспертизадан ўтказилди.

Бошқарма бошлиғи в.в.б. Б. Назаров Б. Назаров



201_ йил « _____ » _____

Эксперт гуруҳлари аъзолари:

Ф.И.Ш.	Лавозими	Имзо
Р. А. Усмонов	Ўзбекфильм Д.З.Х. директори	Р. Н. Усмонов
Жамалжоннаева Д.	саманганде. д.ғ.ғ.ғ.	Жамалжоннаева
Қабдуллаев Р. А.	Т.К.Т.И доцент	Қ
Ҳасанова Г.А	ф.и.и. ф.и.и.	Ҳасанова
Фароқина М.Р Т.А.К.И	профессор	Фароқина
Ҳасанов З.З	д.ғ.ғ.ғ.	Ҳасанов

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
STANDARTLASH TIZIMI, DAVLAT
NAZORATI NI MUHOFAZASIDAN VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 253-сонли буйруғи асосида Камолиддин Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институтида қайта ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг турдош

**ОТМлар билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Тошкент ш.

« ____ » _____ 20__ йил

Қатнашдилар: Ҳ.Р.Аминов - Камолиддин Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори, А.Порсоев - Ўзбекистон Бадиий Академияси ТМ ва ИЁБИ бўлими бошлиғи, О.Касимов - Камолиддин Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув ишлари бўйича проректори, Қ.Қодиров - Камолиддин Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти ЎУБ бошлиғи, Р.Норчаев-Дизайн факультети декани, А.Юсупов- Тасвирий санъат факультети декани, С.С.Жураева-Амалий санъат факультети декани, Тугизов Ш.Х. - М.Улугбек номли Самарқанд Давлат Архитектура Қурилиш институти "Дизайн" кафедраси мудири, У.А.Вахидова - ТТЕСИ "Либос" дизайни кафедраси мудири, М.Р.Бородин - ТАҚИ "Атроф-мухит дизайни" кафедраси мудири, Э.Х.Хаитов - Дастгохли рангтасвир кафедраси мудири, К.Нишонова-Музейшунослик кафедраси мудири, Д.Т.Курызова - Тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси мудири, Ф.З.Атаханова - Либос дизайни кафедраси мудири, Б.Ходжиметов-Китоб графикаси ва миниатюра кафедраси мудири. А.Ўринов-Театр беаги санъати кафедраси мудири, Ф.Тошмухаммедов-Бадиий кулол кафедраси мудири, М.Исакова - Интерьер дизайни кафедраси мудири, Ш.Жуманиязов-Махобатли рангтасвир кафедраси мудири, А.Умаров-Информатика ва менежмент кафедраси мудири, А.Р.Мустаев-Реклама ва амалий графика кафедраси мудири, Ашуров Н.- Касбий таълим ва педагогика кафедраси мудири, Д.Жуманиёзова-Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, Ф.Маннопов-Чизматасвир кафедраси мудири, Р.Худойберганов-МРДИ ўқув-услубий кенгаш раиси.

Кун тартиби:

Камолиддин Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти томонидан тайёрланган куйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари муҳокамаси:

1. 5111000 - Касб таълими (5150800 - Рангтасвир (дастгохли))
2. 5111000 - Касб таълими (5150900-Дизайн (либослар ва газламалар))
3. 5111000 - Касб таълими (5150900-Дизайн (интерьер))
4. 5150200 - Санъатшунослик (тасвирий ва амалий санъат)
5. 5150200 - Санъатшунослик (музей иши ва маданий мерос объектларини сақлаш)
6. 5150800 - Рангтасвир (дастгохли)
7. 5150800 - Рангтасвир (махобатли)
8. 5150800 - Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими)
9. 5150800 - Рангтасвир (театр беаги)
10. 5150900 - Дизайн (либослар ва газламалар)
11. 5150900 - Дизайн (интерьер)
12. 5150900 - Дизайн (реклама ва амалий графика)
13. 5150900 - Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)
14. 5151000 - Дастгох ва китоб графикаси
15. 5151000 - Графика (хаттотлик ва миниатюра)
16. 5151100 - Хайкалтарошлик (бадиий)
17. 5151200 - Амалий санъат (бадиий кулолчилик)
18. 5151200 - Амалий санъат (меъморий ёдгорликлар беагини таъмирлаш)
19. 5151200 - Амалий санъат (амалий санъат асарларини таъмирлаш)
20. 5A150204 -Музейшунослик, тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш
21. 5A151201 - Тасвирий ва амалий безак санъати (монументал безак санъати)

Х.Р.Аминов – Маълумки, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 13 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 253 – сонли буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли қарори асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарорининг 1-иловасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда (илова этилаётган наъмунага мувофиқ) бакалавриат таълим йўналишларининг амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг намунавий шакллари яратиш зарурияти туғилди. ЎзР ОЎМТВнинг 253 – сонли буйруғига биноан Камолиддин Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти зиммасига 5111000 - *Касб таълими (5150800 - Рангтасвир (дастгоҳли))*, 5111000 - *Касб таълими (5150900-Дизайн (либослар ва газламалар))*, 5111000 - *Касб таълими (5150900-Дизайн (интерьер))*, 5150200 - *Санъатишунослик (тасвирий ва амалий санъат)*, 5150200 - *Санъатишунослик (музей иши ва маданий мерос объектларини сақлаш)*, 5150800 - *Рангтасвир (дастгоҳли)*, 5150800 - *Рангтасвир (маҳобатли)*, 5150800 - *Рангтасвир (театр безаги)*, 5150800 - *Рангтасвир (кинофидъм тасвирий санъати)*, 5150900- *Дизайн (либослар ва газламалар)*, 5150900- *Дизайн (интерьер)*, 5150900- *Дизайн (реклама ва амалий графика)*, 5150900- *Дизайн (компьютер графикаси ва бадий фото)*, 5151000 - *Дастгоҳ ва китоб графикаси*, 5151000 - *Графика (хаттотлик ва миниатюра)*, 5151100 – *Хайкалтарошлик (бадий)*, 5151200 - *Амалий санъат (бадий кулолчилик)*, 5151200 - *Амалий санъат (меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш)*, 5151200 - *Амалий санъат (амалий санъат асарларини таъмирлаш)*, таълим йўналишлари бўйича 19та ва 5А150204 -*Музейшунослик, тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш*; 5А151201 – *Тасвирий ва амалий безак санъати (монументал безак санъати)* магистратура мутахассисликлари бўйича 2та Давлат таълим стандарти ва ўқув режаларини тайёрлаш юкланган эди. Шу жараён қай тарзда кетмоқда, танишиб чиқсак.

О.ҚОСИМОВ– бизнинг ўқув-услубий бўлим томонидан ихтисослик кафедралари мутахассисларини жалб қилган ҳолда мазкур 19 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 2та магистратура мутахассислиги бўйича бўйича ДТС ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Юкоридаги таълим йўналишлари бўйича ДТС ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинди. ДТСларнинг қайта ишлаб чиқилишида: фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий, лаборатория машғулотларига ажратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш қетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилди. Ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режаларни ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

К.ҚОДИРОВ – мен мазкур ДТС ва ўқув режаларини кўриб чиқдим. Мазкур стандартлардаги бакалаврлар ва магистрларга қўйилган талаблар, фанларнинг мазмуни ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради, деб ўйлайман. Ихтисослик фанлари мана шу мутахассисликлар мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беради. Умид қиламанки, ушбу мутахассисликни битирган талабалар, маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш учун катта ҳисса қўшадилар.

А.ПОРСОЕВ - юкоридаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ДТС ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган ва турдош ОЎМлар билан келишилган.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Камолиддин Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти зиммасига 5111000 - *Касб таълими (5150800 - Рангтасвир (дастгоҳли))*, 5111000 - *Касб таълими (5150900-Дизайн (либослар ва газламалар))*, 5111000 - *Касб таълими (5150900-Дизайн*

